Педагогик баҳолашда рейтинг ва баҳо тизимининг хозирги муаммолари, камчилиги ва афзаллиглари.

Исматова Шахноза Мирахматовна

ЎзДЖТУ

Таянч докторант

doctorshaxnoza@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола талабаларнинг билим, кўникма, малака ва компетецияларини баҳолаш жараёнидаги камчиликларини очиб берган. Кўпгина буюк олимларнингбаҳолаш муаммолари бўйича қилинган тадқиқотлари давомида дуч келинган қийинчиликлари ўрганилиб, турли хил фикрлари мулоҳаза этилгандир. Янги жорий этилган қонунлар ва давлат таълим стандартлари бўйича баҳолаш мезонларига таянган ҳолда, педагогик баҳо шакллари ўрганилганлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Кредит-модуль тизими, кўникма, малака, компетенция,объектив, субъектив, шкала, балл.

Аннотация: В данной статье раскрываются недостатки в процессе оценки знаний, навыков, компетенций и компетенций студентов. Были изучены трудности, с которыми сталкиваются многие великие ученые в своих исследованиях проблем оценки, и были рассмотрены различные мнения. Показано, что формы педагогического оценивания изучены на основе введенных в действие законов и критериев оценивания по государственным образовательным стандартам.

Ключевые слова: кредитно-модульная система, умение, квалификация, компетенция, объективная, субъективная, шкала, балл.

Abstract: This article reveals the shortcomings in the process of assessing students' knowledge, skills, abilities and competencies. The difficulties faced by many great scholars in their research on evaluation problems have been studied and different opinions have been considered. It is shown that the forms of pedagogical assessment have been studied based on the newly introduced laws and evaluation criteria on state educational standards.

Keywords: Credit-module system, skill, qualification, competence, objective, subjective, scale, score.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган ”Ўзбекистон Республикаси олий ва таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси“га кўра мамлакатдаги ОТМлар 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган [1].

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида кредит тизимини жорий этиш натижасида турли йўналишдаги фанлар бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини унификация (бирхиллаштириш), баҳолаш бўйича эса субъективликни бартараф этиб, педогогларнинг ўз устида ишлаши, рақобат муҳитини янада жадаллашига эришилади. Бу унификация энг аввало таълим жараёнининг узлуксизлигига ва ҳар бир кейинги босқич олдингисига таянишига асослангандир.

Баҳолаш ахборот тизимининг намоёнидир. Ушбу тизим талабанинг баҳосини сақлаш, қайта тиклаш ва олиш каби жарёнларни ўз ичига олади. Қўшимча равишда шуни яна таъкидлаб ўтиш керакки, баҳолаш объектив ва адолатли бўлиши керак. Таълим соҳасида иш

юритиб келаётган барча ўқитувчилар, профессорлар талабалар билимини баҳолаш билан боғлиқ саволлар ўртасида кўпинча низолар келиб чиқади.

Педагогикада ўлчашнинг моҳиятини тушуниш учун домен ва конструкт тушунчаларини ҳам англаб олишимиз лозим бўлади.

Баҳолаш – бирон-бир доменнинг (билим, кўникма, малака ва компетенциялар мажмуйининг) таълим олувчиларда (тест топширувчиларда) шаклланганлик даражасини ўлчаш жараёни [7].

Domen – билим кўникма компетенциялар мажмуйи бўлса, Konstruct – ўлчаниши лозим бўлган хусусиятдир.

Таълим жараёнида ўқувчи талабада бирон-бир доментга тегишли билим, малака, компетенциялар қай даражада шаклланганлигини билиш учун, шу домен қайси билим, малака, компетенцияларни ўз ичига олишини, ҳамда шу доменга хос қайси конструктларни (хусусиятларни) ўлчаш мақсадини аниқлаб олиш лозимдир.

Кредит-модуль тизимининг таркибий қисмларидан бири бу, талабаларнинг таълим ютуқларини баҳолаш учун кенг маънода ишлатиладиган балл-рейтинг тизимидир. Талаба томонидан ҳар бир фаннинг ривожланишини назорат қилиш балл-рейтинг тизими (БРТ), шу жумладан маълум муддатли ва жорий аттестациядан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Жорий аттестация натижаларига кўра талабага қуйидагилар берилади:

- фанларни ўзлаштиришнинг мураккаблигини тавсифловчи бутун бирликда (кредитларларда) ҳисобга олинади;
- ушбу фан доирасида талабанинг билимларни эгаллаш сифатини тавсифловчи табақалаштирилган баҳолаш.

Қониқарсиз баҳоларни олгандан сўнг, талаба қайта топшириш ва жорий аттестациясини тавсифловчи, тўлиқ бирликлар (кредитлар)га рухсат берилмайди, ҳужжатга эга (касаллик ва бошқалар) ҳолатлар бундан мустаснодир[6].

Оралиқ ва жорий натижаларига кўра факультет талабаларнинг академик рейтингини тузади. Юқори рейтингли талабага академик имтиёзлар ва афзалликлар олиш имконини беради (оширилган стипендия, бепул ўқиш ва бошқалар). Ҳар қандай талаба ўзининг академик баҳоси тўғрисида асосли маълумотларни факультет декани ёки факультет web-сайтидан олиши мумкин.

Бир семестр давомида талаба индивидуал ўқув режасида кўзда тутилган барча гуруҳларни (а) ўз ичига олган ҳолда 30 к.б. ҳажмдаги фанларни ўзлаштириш керак. Агар талаба бир семестрда 25 тадан кўп кредит олган бўлса ва шу билан бир вақтда гуруҳнинг барча фанларини ўзлаштирган бўлса, у автоматив равишда кейинги семестрда ўқишни давом эттириш имконига эга бўлади. Агар у 25 дан ортиқ кредит олган бўлса, лекин шу билан бирга гуруҳнинг (а) ўз сонли фанларни ўзлаштирган бўлса, унда ўқишни давом эттириш масаласи факультет маъмурияти томонидани ҳал қилинади. Ва ниҳоят, агар талаба 25 тадан кам кредит олган бўлса, у автоматик равишда ушбу курсга қабул қилинган талабалар сафидан чиқиб кетади.

Ю.К. Бабанский “беш балли белгининг ижобий ролини давлат стандарти тури сифатида тўғри ишлатилган ҳолда, ўқувчиларнинг ўқув ва когнитив фаолияти натижаларини объектив акс эттириш имконини бериши керак” деб қайд этади [4]. Аммо шу билан бирга баҳолаш тизимининг камчиликлари хақида ҳам гапиради: ”Кўпинча белгиларни ишлатиш талабаларнинг фақат репродуктив билим даражасини аниқлаб, уларнинг хотираси ишига асосланиб, ҳар томонлама ривожлантиришни акс эттирмайди, дунё қараш тушунчалари ва эътиқодларининг мавжудлиги ва чуқурлиги, йўналишлар қиймати, мустақиллик ва фаоллик, ижодий қобилият, коллективистик ва шахсни ўрганиш жараёнидаги бошқа ижобий фазилатлар, интелектуал кўникмалар, амалий ва мустақил ўқиш таъкидланади“.

В.В. Давыдов, Д.Б. Эльконин бошчилигидаги олимлар, балл ва назорат турлари тизимидан воз кечиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтишганлар. Ш.А. Амонашвили, И.С. Якиманский каби тадқиқотчилар эса, илм аҳлига қарши нуқтаи назардан ёндашганлар ва баҳо ўқувчилар мотивациясини кўчайтирадиган ёлгон омил деб фикр юритганлар.

Д.Б. Эльконин баҳолаш зарурлиги тўғрисида: ”Дастлабки бошланғич ўқув босқичида, назорат ва баҳони шакллантириш асосий вазифадир. Айтишимиз мумкинки, агар ушбу даврда ўқувчилар назорат ва баҳолаш ҳаракатларини тўлиқ батамомила ўзлаштирсалар, кейинги босқич таьлимини шакллантириш ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширилади “[11].

В.В. Давыдов қайд этадики: ”Мониторинг ва баҳолаш ҳаракатларини амалга оширишда таълим олувчиларнинг ўз ҳаракатлари таркибига эътибор бериши, уларнинг олдига қўйилган вазифага мувофиқлиги нуқтаи назаридандир. Ўқувчиларнинг ўз ҳаракатларига (ёки фикр юргизиш) бундай муносабати уларнинг тузулиши ва ўзгариши туғрилигининг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади“[5].

Шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг ўқув жараёнидаги муваффақиятларини баҳолаш учун ушбу модулли рейтинг тизимининг қуйидаги афзалликлари мавжуд бўлиб, тизимда “аълочи”, “иккичи” талабалар йўқ, аммо ўқув натижаларига кўра биринчи, иккинчи, ўнинчи даражали талабалар мавжуд; талабаларнинг ўзлари ўзларининг балларини аниқлаб ўқув натижаларини баҳолашлари мумкин; таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини кузатиб бориш мумкин; ўқув дастурини тарғиб қилишнинг индивидуал тўлқинини пайдо қилиб; бу тизим билимларни ўзлаштиришнинг парчаланишини йўқ қилади ва талабаларни курсда мунтазам ишлашга ўргатади.

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларда талабалар билимлари турли йўллар билан баҳоланмоқда. Англия ва Польшада – олти балли тизим, Францияда – йигирма балли, Молдова ва Украина – ўн икки, Беларуссия ва Латвияда – ўн балли, АҚШ – юз баллидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ – 3775- сонли ”Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уланинг мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги “ ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган ”Олий таълим муассасаларидаталабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида“ги низомга асосан олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади [2;1-7–б.]. Ушбу низом аввалги амал қилган низомдан фарқли равишда талабаларнинг билимини қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади (1.1-жадвалга қаранг):

1.1-жадвал

Талабаларнинг билимини баҳолаш мезони

Баҳо	**Таснифи**
5 – (аъло)баҳо	талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганди
4 –(яхши)баҳо	талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг(мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда

3 – (қониқарли) баҳо	талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда
2 – (қониқарсиз) баҳо	талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда

Олий таълимда мавжуд бўлган ўқув технологиялари ва мутахассисларни тайёрлаш сифатида қўйиладиган замонавий талаблар тобора зиддиятли бўлиб келмоқда. Талабалар билимини назорат қилиш учун анъанавий равишда қўлланадиган қуйидаги баҳо шкаласи (“аъло“, ”яхши“, ”қониқарли“, “қониқарсиз“ бир қатор камчиликларга эгадир (1.2-жадвалга қаранг):

1.2-жадвал

Баҳолик шкаласи камчиликлари

№	Баҳолик шкаласи камчиликлари
1.	Асосан билимларни якуний назоратга йўналтирилган – имтиҳон ёки тест; вазифаларнинг мураккаблигини ҳисобга олмайди
2.	Топшириқларнинг сифатини ҳисобга олмайди
3.	Ўқув жараёни давомида назарий материалларнинг ўзлаштирилишини ёмон назорат қилади
4.	Ўқув жараёни давомида талабаларнинг мунтазам ишлашини рағбатлантирмайди
5.	Талабалар ўртасида соғлом рақобат, адолат рақобати руҳини истисно қилади
6.	Ўқув жараёни давомида талабаларнинг мустақил ишларини тўғри назорат қилишни таъминламайди
7.	Талабалар муваффақияти натижаларини янада моҳирлик билан баҳолашга имкон бермайди

Баҳолашнинг 5 баллик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш мезони ишлаб чиқилган (1.3-жадвалга қаранг) [2;8-б.]:

1.3-жадвал

Баҳолик шкаладан баллик шкалага ўтказиш мезони

5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала
5,00-4,96	100	4,30-4,26	86	3,60-3,56	72
4,95-4,91	99	4,25-4,21	85	3,55-3,51	71
4,90-4,86	98	4,20-4,16	84	3,50-4,46	70
4,85-4,81	97	4,15-4,11	83	3,45-3,41	69
4,80-4,76	96	4,10-4,06	82	3,40-3,36	68
4,75-4,71	95	4,05-4,01	81	3,35-3,31	67
4,70-4,66	94	4,00-3,96	80	3,30-3,26	66
4,65-4,61	93	3,95-3,91	79	3,25-3,21	65
4,60-4,56	92	3,90-3,86	78	3,20-3,16	64
4,55-4,51	91	3,85-3,81	77	3,15-3,11	63
4,50-4,46	90	3,80-3,76	76	3,10-3,06	62
4,45-4,41	89	3,75-3,71	75	3,05-3,01	61
4,40-4,36	88	3,70-3,66	7734	3,00	60
4,35-4,31	87	3,65-3,61		3,00 дан кам	60 дан кам

Баҳолаш дидактив тизимнинг элементи сифатида ўқув жараёни доирасида кўриб чиқилиб, бу талабаларнинг назарий билимлари, амалий кўникмалари ва малакаларининг

сифатини, ақлий ривожланиш даражасини, уларнинг ўқув фаолияти услубларини, шунингдек бўлажак педагогик маҳорат даражасини аниқлашга имкон беради.

Баҳолаш жараёнида чекланган сондаги махсус тузилган топшириқлар йиғиндиси орқали маълум бир билим, малака, компетенциялар мажмуйининг (доменнинг) тест топширувчида қай даражада шаклланган ҳақида билвосита хулоса чиқарилади.

Библиография

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси", 1-иловаси, 9-банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг"Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ – 3775-сон Қарори. 2018 йил 5 июн.[47; 1-7-8 – б.]
3. Алашкевич М.Ю., Байденко В.И., Боев О.В. *«Мягкий путь» вхождения российских вузов в Болонский процесс* /.; гл. ред. Мель-виль А.Ю.; Нац. фонд подгот. кадров, ИНО-центр. – М.: ОЛМА-ПРЕСС,
Credit Transfer and Accumulation – the Challenge for Institutions and Students, EUA/Swiss Confederation Conference, ETH Zurich, 11-12 October, 2002.
4. Бабанский, Ю.К., Сластенин, В.А., Сорокин, Н.А. и др. Педагогика: *Учебное пособие для студентов педагогических институтов*. – М.: Просвещение, 1988. – С. 457-458.
5. Давыдов, В.В. *Теория развивающего обучения*. – М.: ИНТОР, 1996. – С.163.
6. Достовалова Е.В., Савельева О.А., Смолянинова О.Г. *Организация учебного процесса бакалавров/магистров педагогике в модульной кредитно-рейтинговой системе обучения*. – С.; 2009. – С.90-92.
7. Жалилов К. Баҳолаш назарияси асослари.Т.;2020. – 10б.
8. Медведенко, Н.В. *Организация модульно-рейтингового контроля обучения студентов педагогического колледжа*.:Авторефеф. Дисс. … кад. пед. наук. – Сахалинск, 2005. – 26 с.
9. . Прокопьев И.И. *Педагогика. Основы общей педагогики.* Дидактика. – М.; 2002, – С.65.
10. Улицкая, Е. Двадцать с плюсом за диктант. Электронный ресурс. Точка доступа 1.03.2012г.: www.ifvremya.ru/cgi!bin/res.pl?FIL=work/arc/ 2003/0109/3_20030109.txt
11. Эльконин, Д.Б. *Психология обучения младшего школьника*. *Избранные психологические труды* / Д.Б. Эльконин. – М.; Знание, 1989. – С.250-251.
12. Resolution of The Council and of the Ministers of Education, Meeting within the Council, Official Journal of the European Communities, 1976.
https://eurlex.europa.eu/legalcontent/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:41976X0219&from=EN
13. Jessica Shedd (2003), *"The History of the Student Credit Hour"*. New Directions for Higher Education. 122 (Summer) (122): 5–12.